

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 77 (11.388)

Баҳоси эркин нархда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Маҳсулотнинг материал ва энергия сарфини камайтириш ҳамда таннархини пасайтириш—иқтисодиёт рақобатбардошлигини янада оширишнинг асосий омиллари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда парламент кўйи палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекнефтгаз» МХК ва бошқа манфаатдор идораларнинг вакиллари қатнашди.

●«Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашида «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-руҳий ҳолатига таъсирининг олдини олиш чоралари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идораларнинг мутасадди вакиллари, ёш фермер ва тадбиркорлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

●Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида тадбиркор ва фермерлар иштирокида ўтказилган тадбир «Тадбиркор—элга мададкор» деб номланди. Унда соҳада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

●Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Халқаро спорт курашлари федерацияси — FILAнинг «Олтин Гран-при» туркумига кирувчи «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» халқаро турнири давом этмоқда.

●Қизирик тумани ёшлари Сарик шаҳарчасидаги 9 гектарлик эски боғни оталиққа олиб, «Ёшлар боғи»ни барпо этишди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 300 донна мевали ва манзарали дарахт, минг тупдан зиёд гул кўчати ўтказилди.

●Республика маҳаллийлаштириш дастурига киритилган «Қарши радиатор» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпаймоқда. Бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган ушбу корхонада олинган фойда ва иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан полиомет цехи ишга туширилди. Шунингдек, юқори унумли технологик ускуналар олиб келиниб, корхонанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

## ЖАҲОНДА

●АҚШ Президенти Барак Обама ўзининг Лотин Америкаси мамлакатлари бўйлаб сафари чоғида Мексикага ташриф буюрди.

●Куба Давлат Кенгаши раиси Раул Кастро Шимолий Америка билан ҳар қандай масала, жумладан, инсон ҳуқуқларига риоя этиш бўйича музокара ўтказишга тайёр эканлигини билдирди. Фақат музокаралар тенг ҳуқуқли асосларда уюштирилиши лозимлиги таъкидланди.

●БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг Шимолий Кореянинг ракета учуришига оид баёнотида жавобан расмий Пхеньян олти томонлама музокарадан чиқишини ва ядровий қушларни сақлашни қучайтиришни эълон қилди. Бундан ташқари ҚХДР ўзининг барча ядровий иншоотларининг ишларини қайта йўлга қўйиш ниятида эканлигини билдирди.

●Бразилия Президенти Луис Инасио Лула да Силва 2014 йилги президентлик сайловига иштирок этмаслигини билдирди. Зеро, Бразилияда навбатдаги президентлик сайлови 2010 йилда ўтказилди. Бу пайтга келиб амалдаги давлат раҳбарининг ваколат муддати якунига етди.

●Индонезиянинг Суматра оролларида қучли zilзила қайд этилди. Ер қимирлаши Рихтер шкаласи бўйича 6,6 баллга тенг бўлди. Қурбонлар ва талафотлар тўғрисида бирор-бир маълумотлар йўқ. Сейсмологлар табиий офат цунами келтириб чиқармаслигини билдиришди.

●Жаҳон етакчи биржаларида кеча ўтказилган савдоларда нефтнинг нархи сезиларли даражада фарқ қилди. Жумладан, Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 53,06 доллар миқдорда қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич, 49,98 долларни ташкил этди.

●Кеча Санкт-петербурглик Альберт Берракия Россия тарихида лотерея бўйича энг улкан ютуққа эришди. Унинг ютуғи 100 миллион рублдан иборат бўлди.

●НАТО ташкилоти ўзининг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида Грузияда ҳарбий машқларни ўтказишга қарор қилди.

●Македониянинг йирик аэропортлари — Александр Великий (Скопье) ва Авлие Павел (Охрида) диспетчерлари иш ташлашни бошлашди. Бу тўғрисида мамлакат Фуқаро авиацияси агентлиги вакиллари хабар қилишди. Иш ташлашга Македония Бош солиқ бошқармасининг давлат қарзларидан қутулиш учун FAA ҳисоб-рақамидан 10 миллион евро ни ундириб олишга оид қарори сабаб бўлди.

## ПОЙТАХТНИНГ Бир Кўни Янгиликлар, воқеалар

«Ўзэкспомарказ»да Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси давом этмоқда. Кеча геология ёнлиги-энергетика мажмуалари, кимё, нефтгазкимё ҳамда металлургия саноати тармоқлари ўз маҳсулот ва хизмат турларини намойиш қилишни бошлади. Президентимиз ташаббуслари билан ўтказилаётган ушбу саноат ярмаркаси ва кооперацион биржа юртимиз саноатчиларининг самарали фаолиятлари учун янада кенг имкониятлар яратмоқда.

### Саноат

## КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Уч кун давомида Ўзбекистон Республикаси геология ва минералогия ресурслар Давлат қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзкимёсаноат», «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент темир-тераск ва рангли металл қайта ишлаш заводи» ва бошқа кўплаб тармоқ корхоналари, хусусий бизнес субъектлари ўзларининг стандартларида замонавий маҳсулотларини намойиш этишади.

— Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, — дейди мазкур форумда илк бор қатнашаётган «Туронэнерго» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона бош директори Эгамберган Худойбергенов, — республикамиз саноат корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Яқинда иш бошлаган миз (март ойидан), 15 нафар малакали ишчи-хизматчилар цехимизда ўрнатилган Россия давлатидан келтирилган унумли дастоҳ ва ускуналар мададида 6 турдаги сифатли трансформаторлар тайёрлашди. Ҳозирда асосан Россия ва Беларусь давлатларидан бутловчи қисмлар келтирилмоқда, лекин жорий йил охиригача ўз бутловчи қисмларини қўйиш рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи трансформаторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режаланган. Бунинг учун турдош корхоналарда барча имкониятлар мавжудлигини ушбу кооперацион биржа бизга тўла намойиш қилди.

Эътиборли томони, бу ерда бизда янги ҳамкорлар топшигина эмас, янги лойиҳа, шарт-



номалар тузиш гоёси туғилди...

— Бу галги форумга янги маҳсулотлар билан келдик, дейди «Hi-tech kabel» қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Мирзиёев Турсунов, — ҳозирда 363 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонамизда ўтган давр мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ортди, янги иш жойлари яратилди. Цехларимизга келтирилган янги замонавий технологиялар жаҳонга машҳур етакчи компанияларники бўлганлиги боис, Ўзбекистонимизда илк бор янги технология полиэтилендан 10-35кВ қўшма қабеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, айни кунларда корхона тадбиркорлари яна бир янги маҳсулот: 110-220кВ гача юқори қўшма қабел ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тадоригини кўришмоқда. Қувонарлиси, биржа тўла файли ҳамкорлар сафи кенгайиши жорий йил охиригача 50-60 нафар фуқарога янги иш ўринлари яратишимизга пухта замин

ҳозирлайди.

«Электрон-ҳисоблагич» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси стентдлари ҳам алоҳида эътиборимизни тортиди. Боиси, бу ерда намойишга қўйилган кўплаб маҳсулотлар сифатли бўлиши билан бирга, импорт ўрнини босади. Масалан, ушбу корхона мутахассислари тадбирга уч фазали (корхона, ташкилотларда қўлланиладиган) электрон ҳисоблагич — «DTS543/DS5533» русумли маҳсулотларининг қатор афзалликларга эга эканлигини эртага тақдиротда намойиш қилишмоқчи.

Кооперацион биржа ва саноат ярмаркасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ташқари, ҳамдўстлик давлатларидан қатнашчилар талайгина ва ўйлаймизки, улар билан кўплаб ҳамкорлик битимлари имзоланади.

**МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:** Республик ва саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасидан лаҳзалар. Алексей Попов олган суратлар

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кўни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 64 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм миқдорда бир марталик пул муқофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул муқофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Мазънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 15 апрель

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Португалия Республикаси Ташқи ишлар вазири Луиш Амаду раҳбарлигидаги делегация 16 апрель кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тожмухамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Португалия ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистон — улкан иқтисодий имкониятларга, бой маданият ва узоқ тарихга эга мамлакат, — деди Луиш Амаду. — Португалия Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ташрифдан максимиз ҳам сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Учрашувда Ўзбекистон ва Португалия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга доир масалалар муҳокама қилинди. Португалия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

(ЎЗА)

## СУВ БУТУН ИНСОНИЯТГА БЕРИЛГАН НЕЪМАТ, У ҲЕЧ КИМНИНГ ХУСУСИЙ МУЛКИГА АЙЛАНИШИ МУМКИН ЭМАС

Дунёнинг етакчи мамлакатлари эксперт-таҳлилий ва ижтимоий доиралари Марказий Осиёнинг трансчегаравий дарёларидан фойдаланиш ва минтақадаги давлатлар билан келишувга эришилмасдан туриб гидро иншоотлар қурилиши масаласини кенг муҳокама қилмоқда ва ўз муносабатларини билдирмоқда.

Кўпгина экспертлар Қирғизистонда Қамбарота ГЭСи ва Тожикистонда Роғун ГЭСининг Ўзбекистон нуктаи назарида баён этилган тамойиллар ҳисобга олинмасдан қурилишини режалаштириш минтақа ва унинг аҳолисига тузатиб бўлмайдиган экологик зарар келтиради, деб ҳисоблайди.

Иқтисодиёт профессори, Брюсселдаги Европа халқаро муносабатлар институти вице-президенти Ж. Липпертнинг таъкидлашича, «бундай масалаларни ҳал этишда асосий жиҳатларга эътибор қаратиш керак».

— Мен қатъий ишонаманки, сув бутун инсониятга берилган неъмат

ҳисобланади, у кимнингдир хусусий мулкига айланиши мумкин эмас. Бу ҳақиқатни халқаро даражадаги меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқлаш даркор, — дейди олим. Ж. Липпертнинг фикрига кўра, Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистоннинг нуктаи назари ва қарашлари қўшни давлатлар учун минтақа аҳолиси ва саноати манфаатларига етарли тарзда сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солинадиган, уларнинг минтақа даражасида бирлашган гуруҳини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Вюрцбург университети профессори, сиёсатчи, экология ва

сув масалалари бўйича эксперт Ж. Зеринг (Германия) трансчегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар қурилиши қўшни давлатлар билан келишилган ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак, дея таъкидлайди. «Шу маънода, мен Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларининг трансчегаравий дарёлардан фойдаланишида ушбу минтақада истиқомат қиладиган 50 миллион аҳолининг тақдирини ва манфаатларини инобатга олиниши кераклиги ҳақидаги нуктаи назарини тўла қўллаб-қувватлайман», — дейди немис эксперти.

(Давоми 2-бетда).

## ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИДА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 10 апрелдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарорига биноан аҳолининг йўловчи транспортга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, транспорт хизмати сифатини янада ошириш мақсадида 2009 йил 15 апрелдан 15 майгача

«Йўловчи ташиш транспортини аҳолига маданий ва намунали хизмат кўрсатиш ойлиги» ўтказилади. Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхоналар хизмат кўрсатаётган йўналишлар фаолияти ҳақида тақлиф ва мулоҳазаларининг «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасида ташкил этилган 233-54-86 рақамли «Ишонч телефони» орқали ҳар кун соат 8.00 дан 20.00 гача билдиришингиз мумкин.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижод марраларни сари чорлашда муҳим омил бўлмоқда. Шуниси қувонарлики, ушбу Давлат мукофотига номзодлар йил сайин ортиб бормоқда. Улар орасидан ҳар томонлама етуқ, билимли, ўзига хос истеъдод эгалари мазкур мукофотга сазовор бўлмоқдалар.

Ёшлар — келажгимиз

# МАҚСАДЛАРИ САРИ ДАДИЛ ИНТИЛАДИ

Бу йилги номзодлар орасида Тошкент шаҳридан маданият йўналиши бўйича Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод хорижий тиллар академик лицейи ўқувчиси Зумрад Тазетдинова ҳам ушбу мукофотга сазовор бўлди. Зумрад ёшлигидан билимга чанқоқлиги, ўткир эҳқидан ташқари спорт соҳасидаги қобилияти билан ҳам кўпчиликнинг эътиборига тушди. У спортнинг карате, у-шу турлари билан мунтазам шугулланиб, аста-секин нафақат шаҳар ва республика, балки халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида ҳам муваффақиятга қатнашиб, катта ютуқларга эришди. Японияда ўтказилган ёшлар ўртасида карате бўйича жаҳон чемпионатида қатнашишга муваффақ бўлган.



Зумрад Тазетдинова

Ҳар йилги анъанага кўра, куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зумрад Тазетдиновага шаҳар ҳокимининг совғаси — компьютер жамланмаси топширилди. Бундай қимматбахо совгадан кўнгли тоғдек кўтарилган Зумраднинг ҳаяжон ва қувончи ошди. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан қалби гурур ва ифтихорга тўлган ҳолда ўш миннатдорчилигини ихсоз этди.

лиқдан беҳад бахтиёрман. Ҳақиқатда ва спортдаги муваффақиятларим туфайли давлат мукофоти сазовор бўлдим. Бугун эса бу қимматбахо совгадан жуда хурсандман. Биз ёшларга раҳнамолик қилаётган Президентимизга, шаҳар ҳокимлигига ва барча устозларимга чукр миннатдорчилик билдираман. Менга билдирилган юксак ишончга жавобан келгусида ўз билимим ва истеъдодимни янада ошириб, юксак чўққиларни забт этишга, мустақил Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлиб, Ватанимиз тараққиётига ўз хиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Орзулари бир олам бўлган Зумраднинг келажакда ўз мақсадлари сари дадил интилиб, билим чўққиларини эгаллашга, спорт бўйича халқаро мусобақаларда иштирок этиб, фойдаланиб сарфидан ўрин олиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришига умид қиламиз. Зеро, Зумрад Тазетдинова сингари иқтидорли ёшларимиз Ватанимизнинг порлоқ истиқболдирлар.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зумрад Тазетдинова. Аъло Абдуллаев олган сурат**

Аҳолининг иқтисодий-маиший турмуш тарзини юксалтириш, иқтисодий соҳадаги ислохотларни ривожлантириш билан бир қаторда шаҳар жамоат транспорт тизимидаги туб ўзгаришлар юқориди тилга олинган кўтлуг шодидега муносиб тайёрларлик кўришдек эзгу ниятларга чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода шаҳримиздаги «18-автотус саройи» очик турдаги акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган йиғилиш тизим доирасидаги янгилик ва ўзгаришлар, ечимини кутаётган муаммолар таҳлилига бағишланди. Унда «Тошшаҳартрансизмат» уюшмаси тасарруфидида корхоналар раҳбарлари, кўп йиллик иш тажрибасига эга мутахассислар оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

сирасига киради. Бундан ташқари Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорт иштини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Ушбу қарорга биноан жорий йилнинг 15 апрелидан 15 майгача шаҳримизда «Йўловчи ташиш транспортда аҳолига маданий ва намунали хизмат кўрсатиш олийги» ўтказилмоқда. Ойлик давомида транспорт тизимидаги ислохотларга омма эътиборини жалб этиш, бу борада жамоатчилик фикри ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби масалалар белгилаб олинган.

Йиғилишда таъкидлангани-

## Қарор ва ижро ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР Ўзининг 2200 йиллик шодидега муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган қадимий ва ҳамшира навқирон Тошкент шаҳри бугун янада чирой, кўрку камол касб этмоқда.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, «Тошшаҳартрансизмат» уюшмаси раиси Ш.Муҳамеджанов кириш сўзи билан очар экан, Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш тизимини тақомиллаштиришга оид қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг аҳамияти хақида тўхтади.

Бинобарин, ўтган давр мобайнида янги келтирилган жамоат транспорт воситалари 172 тани ташкил этди. Бунинг ҳисобига 13 та йўналиш очилиб, ҳаракат жадваллари сони 298 тага кўпайтирилди. Транспортларнинг оралик вақти 10 фоиз қисқартирилганга эришилди. Хусусий транспортни жалб қилиб, 158 та йўналишларда фаолият юритаётган, юридик мақомага эга бўлган 80 та ташкилотнинг 1750 та автоуловлари шаҳримиз аҳолиси, меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, шаҳримиз йўловчи ташиш транспорт тизимида муайян тажриба орттирилди.

Аммо соҳада ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш, соҳадаги туб ислохотларни янада ривожлантириш, аҳолининг транспорт тизимидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжини қондириш сингари масалаларга эътибор қаратиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар

дек, мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида, «Тошшаҳартрансизмат» уюшмаси томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилади. Жумладан «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорт иштини янада ривожлантириш бўйича 2009 йилга мўлжалланган қўшимча чора-тадбирлар дастури» амалиётга жорий этилади, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш фаолиятини янада яхшилашни назорат қилиш юзасидан туманларга бириктирилган ишчи гуруҳнинг фаолият олиб бориши кўзда тутилган.

Дастур доирасида белгилаб олингандек, транспорт хизмати кўрсатилаётган ҳудудларда жойлашган маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, корхона ва ташкилотлар ишчи-ҳодимлари, ўқув муассасалари ўқитувчилари билан шаҳар жамоат транспорт иши юзасидан ҳар бир транспорт корхоналари раҳбари ва йўналиш сардорлари иштирокида ўтказиладиган учрашувлар жадвали туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда тузилади, учрашувлар ўтказилади. Ҳар бир ҳайдовчи, чиптачи, йўналиш нозимининг хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, йўналиш интизомига риоя қилиш, ўз хизмат вазифасига бўлган мажбурияти, шахсий

масъулиятини оширишга эътибор қаратилади. «Тошавтотус-транс» акциядорлик компанияси корхоналари қошида 10 та янги масъулият чекланган жамиятлар ташкил этилиши ҳисобига иш ўринлари 250 тага кўпайтирилади.

Шу билан бир қаторда масъулият чекланган жамиятлар тузилиши ва улар томонидан энг камида 100 та «ISUZU» русумидаги автобуслар харид қилиниши муносабати билан 36 та ҳаракат жадвалидан иборат бўлган амалдаги 8 та йўналишнинг хизмат кўрсатиш учун уларнинг тасарруфига ўтказиш, 6 та автобус йўналишларининг хизмат кўрсатиш учун янги ташкил этилган масъулият чекланган жамиятларига ўтказилиши муносабати билан корхо-

наларда хизмат кўрсатиладиган йўналишларнинг ҳаракат жадвалларини 30 тага ошириш, 200 та янги «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумидаги автобуслар харид қилиниши ва 200 та «Mercedes-Benz Конект 0345» русумидаги автобусларнинг республика вилоят марказларига берилиши сабабли «Mercedes-Benz» автобуслари паркидан фойдаланиш коэффициентини 0,92 га етказиш, амалдаги йўналишларда ҳаракат жадвалларини 16 тага ошириш, ҳайдовчилар, чиптачилар ва йўналиш нозимларига санитария-маиший шaroитлар яратилиши учун 15 та автобусулохобекатлари, 3 та трамвай сўнгги бекатлари, 3 та троллейбус сўнгги бекатлари эгаллаб турган ер майдонларига капитал қурилиш ишларини амалга ошириш сингари кенг қамровли масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилган.

Йиғилиш сўнггида юқоридигилардан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан мутахассислар фикрлари, тақлиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашилди. Келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан янгича нукта назарлар, қарорлар белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

# «ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ-2009»

Жорий йилнинг 21-25 апрель кунлари Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар зали ва унинг теварак-атрофларида Рассомлар кунига бағишланиб анъанавий тарзда уюштирилган «Тасвирий санъат ҳафталиги — 2009» бўлиб ўтади.



Бадий кўрғазмаларда томошабин фақат тайёр бадий асарни кўриб завқ олади, баъзи ҳоллардагина муаллиф билан таниша олади. Янги даврга хос маданий муносабат — рассом-санъатшунос-арт-менеджер-муҳлис, санъат шинавандалари ўрталарида зарур бўлган маданий ошқоралик руҳидаги узвий алоқаларнинг йўлга қўйилиши, бу механизм иштирокчиларини бир пайтда ижод жараёни устида учрашувини, мулоқотини ташкил этиш ҳафталикнинг асосий мақсадларидан биридир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Тасвирий санъат ҳафталигини ҳар йили ўтказиш анъанаси Республика ҳукумати, қатор вазирлик, ҳокимликлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Миллий санъатимизнинг ўтмишдан етиб келган бой мероси, бугунги салоҳияти, муаммолари ва энг асосийси, истиқлол йилларида етишиб келаятган ижодкорлар ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишимиз учун бу каби тадбирлар ўта муҳимдир, — деб таъкидлайди Бадий академия раиси Турсунали

Кўзиев ТСХ анъанасига биноан ҳар йили марҳум ижодкорлар қабри зиёрат этилади. Бадий академия тақлифига биноан бу йил шу анъанага мувофиқ Абдулҳақ Абдуллаевнинг 90 йиллик юбилейи муносабати билан А.Абдуллаев бюсти очилиш маросими режалаштирилган. Тадбир дастурига биноан «ТСХ — 2009» доирасида Марказий кўрғазмалар залида анъанавий «Илҳомланиш», Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган «Озод юртининг обод пойтахти», «Камалак — 2009», «Миллий анъаналар ва замонавийлик», Тоҳир Шаймуродовнинг «Сурхон сўқмоқлари» ва ёш рассомларнинг кўрғазмалари, санъатшунос, театршунос, музейшуносларнинг давра сўбатлари бўлиб ўтади.

Бу кўрғазма экспозициясидан ижодий йўналишда таълим олаётган ва Бадий академия тизимидаги ўқув муассасалари талаба ва ўқувчилари ҳамда БИУ аъзолари бўлган уста ва рассомларнинг ижодий ишлари ўрин олади.

Кўрғазма экспонатлари Марказий кўрғазмалар залида ва унинг теварак-атрофларидаги айвон ҳамда яқин жойлашган кўча, шунингдек, ҳайкалтарошлик боғида намойиш этилиб, ҳақиқий халқ сайли тусини олади. Тасвирий санъат байрамига келган ҳар бир томошабин шу ернинг ўзига ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик асарининг яратилиш жараёни билан бевосита танишиб, рассом яратётган портретнинг қаҳрамонига айланади. Тасвирий санъат ихлосманди ранглари олами гўзалликларини шу ернинг ўзига ҳис этиб, ўзи ҳам рассом сифатида қалам ва мўйқалам билан ўзи иситган мавзусида асар яратиши мумкин. Кечга яқин эса Марказий кўрғазмалар зали пештоқида ўрнатилган катта экранда жаҳон ва ўзбек тасвирий санъати намояндалари ҳақида яратилган ҳужжатли фильмлар намойиши ҳам янгилик касб этади.

Бу йил «ТСХ — 2009» доирасида ижодкорларимиз гуруҳларга бўлиниб замонавий Тошкент кўринишлари, мезморий иншоотлар, кўзга кўринган жойлар кўринишини чизадилар ва улар алоҳида «Навқирон Тошкент»номинацияси билан тақдирланадилар.

Ҳафталикда Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент Давлат санъат институти, Республика тасвирий ва амалий санъат лицей интернати талабалари ўз концерт дастурлари билан иштирок этадилар.

Ҳафталик давомида тасвирий санъатнинг машҳур намояндалари эндигина рангтасвир оламига кириб келаятган ва ўз ижод услубини шакллантиришга интиляётган иқтидор эгасига мусавирлик маҳорати ва сир-асорларини ўргатиб, умидли ёшларга мастер-класс ўтказилади. Шунингдек, ёш иқтидор эгалари ўртасида бўлиб ўтадиган танловда рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва бошқа санъат турлари бўйича яратилган ижодий ишларнинг энг яхшилари ҳайъат аъзолари томонидан сараланиб ҳафталикнинг энг фаол иштирокчиларига «Тасвирий санъат ҳафталиги» кумуш, олтин медаллари, ҳафталик сертификатлари, дипломлар, ҳомийлар совғалари билан рағбатлантирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Наргиза ТАЛИПОВА, санъатшунос

### (Давоми. Боши 1-бетда).

Вена табиий ресурслар ва табиий фанлар институти директори, профессор Х.Нахтебел Сурия, Ироқ, Исроил, Туркия, Иордания ва Миср ҳукуматларининг сув масалалари бўйича илмий маслаҳатчиси ҳисобланади. У Европа Иттифоқининг Орел денгизи масаласи бўйича ташкил этган турли анжуманларида иштирок этиш ва кўшма лоияҳаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистонда бир неча бор бўлган. Австриялик эксперт совет даврида қурилган Тўхтагул сув омбори энг аввало Ўзбекистон ва Жанубий Козогистоннинг бир қисмида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш учун сув чиқаришга мўлжаллаб барпо этилган сув ишоотдан электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланиш масаласи иккинчи даражали бўлган, деб ҳисоблайди.

Бундан келиб чиқадик, ҳозирги вазиятда Қирғизистон раҳбарияти Тўхтагул ГЭСидан бутунлай зид мақсадда, маъжуд сув оқимининг микдори ва тартибини бузган ҳолда фойдаланмоқда. Трансчегаравий дарёлар бўйича халқаро конвенцияларга асосан, Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган Тожикистон ва Қирғизистон оқимининг куйи қисмида жойлашган давлатларнинг манфаатларини эътиборга олиш керак.

Италиянинг Осие ва Урта ер денгизи давлатлари институти бош қотиби, «Италия — Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси қотиби Антонио Локе «Ўзбекистон раҳбариятининг узоқини уйлаб олиб бораётган сиёсати Марказий Осиеда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича мўлим инновацион туртки бўлади», дея таъкидлади.

У минтақа давлатлари сув масаласи бўйича Марказий Осие манфаатларига мос келадиган ягона тўхтама учинчи томоннинг аралашувисиз келишлари лозимлигини қайд этди.

Тошкент шаҳрида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энг аввало, Марказий Осие давлатлари орасидаги ҳамжиҳатликнинг муваффақиятини, намоён этишини айтиди.

«Тожикистон ва Қирғизистон сувни иригағия мақсадлари учун сақлаш ўрнига асосан қиш мавсумида электр энергияси ишлаб чиқарилган ГЭС қуришни режалаштирмоқда. Айни пайтда иқлим ўзгариши ва ҳароратнинг глобал тарзда исийи шароитида Марказий Осиенинг трансчегаравий дарёларини сув билан таъминлашнинг асоси бўлган муомлашнинг сезилари микдорда камаётгани кузатишмоқда. Бу, ўз навбатида ГЭСлар қурили-

## СУВ БУТУН ИНСОНИЯТГА БЕРИЛГАН НЕЪМАТ, У ҲЕЧ КИМНИНГ ХУСУСИЙ МУЛКИГА АЙЛАНИШИ МУМКИН ЭМАС

ши бўйича пухта техникавий-иқтисодий экспертиза ўтказиш заруриятини янада оширади».

Айни фикрини билдирган Япониянинг JICA агентлиги иқлим ўзгариши бўлими директори Томонори Судо Марказий Осие ва дунёнинг бошқа давлатларида сув-энергетик масалаларини иқлим ўзгариши ва ҳароратнинг глобал тарзда исийи муаммоси билан боғлиқ ҳолда хал этиш зарурлигини қайд этди.

Унинг фикрига кўра, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бу каби масалаларни дунёдаги бирон бир давлат алоҳида ўзи хал қилиши мумкин эмас. «Шу маънода ушбу масалаларни хал этиш юзасидан энг аввало келишувга эришилганидан кейин учинчи давлат инвестор ёки ҳомий сифатида жалб қилиниши керак», — деб таъкидлади Т.Судо.

Озарбойжон Фанлар академияси геология институти етакчи илмий ходими, география фанлари доктори В.Мамедовнинг қайд этишича, Марказий Осие халқлари

қадимдан сувни эъзозлаган ва унинг тақсимлини ҳамда оқилона фойдаланилишини ўз даврининг етуқ намоёндаларига топширган. Хусусан, Хоразмшоҳ Мамун Хоразмдаги барча сувлар устидан назорат қилишни буюқ олим Ал Берунийга берган. Олим Жайхун (Амударё) қирғоғида кузатув иншоотларини қурган ва одамлар сувнинг ҳаракатини кузатиб борган.

«Афсуски, ҳозирги кунда баъзи давлатларда аждодлари билиб, астойдил сақлаб келган сувга эътибор қондаларини, асл ҳақиқатни ёдга олишни хошлашмапти, — дейди олим. — Марказий Осиенинг стратегик дарёларида Камбарота ва Роғун ГЭСларини

қадимдан сувни эъзозлаган ва унинг тақсимлини ҳамда оқилона фойдаланилишини ўз даврининг етуқ намоёндаларига топширган. Хусусан, Хоразмшоҳ Мамун Хоразмдаги барча сувлар устидан назорат қилишни буюқ олим Ал Берунийга берган. Олим Жайхун (Амударё) қирғоғида кузатув иншоотларини қурган ва одамлар сувнинг ҳаракатини кузатиб борган.

қуриш бўйича лоийҳалар фаол муҳокама қилинмоқда. Бу лоийҳалар минтақада экологик вазият ва сув ресурслари муаммосини янада кескинлаштиришига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Минтақада сув ресурсларидан номуносиб тарзда фойдаланиш аллақачон Амударё ва Сирдарё оқимининг бир неча баравар савёлашги кетишига олиб келди. Натияжада, қачонлардир майдони бўйича дунё кўллари орасида тўрттинчи ўринда турган Орел денгизи бир-биридан айри-айри ҳолда жойлашган шўр кўлчаларга айланди. Минтақада умумжаҳон даражасидаги экологик инқироз юзага келди. Қирғизистон ва Тожикистонда кўзда тутилаётган гидролоийҳалар охир оқибатда минтақанинг сув ва биологик ресурслари билан бирга иқлимий ва гуманитар ҳавитига янада салбий таъсир этади».

В.Мамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовнинг трансчегаравий дарёлар ҳавзаларида янги гидротехник иншоотлар қурилиши лойиҳаси ва уларнинг техни-

## КЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 16 апрель кунини Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон кўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодий, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, илм-фан, юқори технологиялар, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат sanoати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, комиссия хамраиси С.Исмоилов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бошқа жабҳалар қатори савдо-иқтисодий соҳада ҳам ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга расмий ташириши икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди.

Мамлакатларимиз ўртасида даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамда божхона соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. 2008 йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 23,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўзбекистонда покистонлик сармоядорлар иштирокида олтишга яқин кўшма корхона тузилган. Покистоннинг ўнга яқин компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кўнчилик, қўғоз sanoати, сайёҳлик ҳамда экспорт-импорт операциялари каби соҳаларда фаолият кўрсатади.

— Ўзбекистон — иқтисодий бартараф ривожланаётган мамлакат, — деди Покистон Исроил Республикаси сув ва энергетика ресурслари вазирлиги, кўшма комиссия хамраиси Рожа Парвез Ашраф. — Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларида алоҳида эътибор билан қарайди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик учун барча қулайликлар яратилган. Бу покистонлик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини қучайтирмоқда. Мақсадимиз икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Мажлисида Ўзбекистон билан Покистоннинг ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, кўшма корхоналар сонини ва ўзаро савдодаги маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Ишбилармонларнинг банк-молция ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш учун давлат-молция муассасалари алоқаларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири

«Жаҳон» АА.



Тезоқар ёшлик йилларини узайтириш, шафқатсиз кексалик машаққатларини орқага суриш, умрнинг сўнги йилларини кўпинча азобга айлантирадиган касалликларни енгиш — бу орзулар минг йиллардан бери инсон ақлу заковатига тинчлик бермай келади. Бирок, олимлар ҳаёлотни ханузгача 100-150 йиллик соғлом ва тетик ҳаёт кечирish чегарасидан нари ўтмаганди. Буни қарангки, Обри де Грей деган шахс пайдо бўлди-ю, илм-фан имкониятлари ҳақидаги одамлар тасаввурини бирданга ағдар-тўнтар қилиб юборди.

Олимлар ҳаётини "одатий издан чиқариб юборган" профессор де Грей деганлари ким ўзи? Уни яқиндан билмокчи бўлганларга албатта Британия матбуотини варақлаб чиқишни тавсия этамиз. Бу "хиппи кўринишидаги норманн" ҳақида, "чиқиндиҳондан чиққан жинсали серсоқол" ва "рассом-шоира онаси иссиқхона шароитларда ўстирган болакай" тўғрисида газеталарда қанчадан-қанча бўҳтон-уйдиришлар, зам-зама гапларни ёзишмади дейсиз! Уни отасини ҳам танимайди деб, тажрибакор-биологнинг асосий қуроли бўлган пипеткани қайси томонидан ушлашни ҳам билмайди деб, ҳақоратлар ҳам қилишди.

**Бу — ҳаёл эмас**

**ИНСОН УМРИНИ УЗАЙТИРИШ МУМКИНИ?**

Бу машаққатларнинг ҳаммасига сабаб — Обри де Грейнинг биринчи бўлиб, қарилгани енгиш мумкин ва лозим, ҳозирги замон фани бунни тўла удадлай олади, деган гаплари бўлди. Яна у, 30 йилдан кейин одамлар 150 йил яшай олашади, шу вақт ичиде қарилгани 1000 йилга, ундан сўн 5000 йилга орқага суриш имконини берадиган янги усуллар яратилади, деб айтди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, у баъзи бир илм аҳулига хос бўлган шунчаки сафсатабозлик қилгани йўқ. Кембрижлик профессор "Strategies for Engineered Senescence (SENS)" номи билан қарилликка қарши кураш бўйича кенг қамровли халқаро лойиҳани яратди. Ўзбек тилида у тахминан: "Муҳандислик усуллари билан қарилликни бошқариш стратегияси" мазмунида жаранглайди. У шу соҳада иш олиб бораётган олимларни бирлаштирди. Улар биргаликда илмий-тадқиқот ишларининг бир қисмига ҳомийлик қилувчи "Мафусайл фонди"ни тузишди, Грейнинг ўзи лаборатория сичқонларининг умрини узайтириш оладиган ҳамда унинг ҳаётини сифат жиҳатидан узоқ вақтга яхшилаш оладиган олимлар учун "Мафусайл сичқони" совринини ташкил этди.

— Ҳозирча Жанубий Иллинойс университети эндокринологи Анжей Бартке мутлақ рекорд эгаси бўлиб турибди. Унинг сичқони 6 кунга кам беш йил яшаган — бу одатий лаборатория захматхона умридан икки марта кўндр. Бу эса — ҳазиллакам эмас!

Лекин Британия газеталарининг тавсифича, бу "тентак" математик, дипломли дастурчи қандай қилиб жаҳонга донг таратган геронтологга айланиб қолди — кўпчиликини бу савол лол қолдирмоқда...

— Ҳозирдаёқ 150 йил яшаш имконини берадиган терапияни яратиш йўлида биз технологик жиҳатдан етарли даражада олға силжишга эришдик, — дейди де Грей. — Ун йилдан кейин биз уни сичқонларда сынаб кўра оламиз. Сичқонлардан одамга ўтиш йўли қанча вақтни олишини билмаймиз, аммо бу жараён тахминан 15 йилдан ошмаслигининг 50 фоизлик имкониятига эгаллигимиз аниқ.

Олимнинг фикрича, ҳозир биз ҳеч қандай тиббий аралашувларсиз 110 йил яшаш мумкин бўлган 60 ёшли соғлом кишини оладиган бўлсак, 25 йилдан кейин бу одам жуда соғлом 85 ёшли киши бўлади ва янги усуллар шарофати билан у 150 ёшли биринчи инсон бўлиб қолиши мумкин.

**Ҳурматли газетхон! Обри де Грей фикрлари чуқур илмий-тадқиқий асосга эга экани тўғрисидаги суҳбатимизни келгуси жума кун "Файзли оқшомлар"да ниҳоясига етказамиз.**

**Дам олиш соатларида**

**Ота-оналар бурчаги**

**ФИКРЛАШ ВА ТЎҒРИ СЎЗЛАШГА ЎРГАТИШ — ФАРЗАНДА КАМОЛИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

Фарзанднинг "тили чиқиб" илк сўзлар билан мурожаат қилиши ота-оналарга қанчалар қувонч бағишлашини гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмас керак. Лекин аввалига эрқаланиб, яримта-юримта қилиб ёки баъзи товушларни бузиб айтиши жажжи болажон тилидан қандай ширин эшитилиб, завқлантирмасин, кейинчалик унинг тилини тўғрилаш учун ҳатто мутахассисларга мурожаат қилишга тўғри келган ҳоллар озми?

Фикрлашга ўргатишнинг ҳам аҳамияти маълум. Ақлнинг пешланиши фикр билан, сўз билан боғлиқ. Тўғри сўзлаш, тўғри гап тузиш, турли нарсаларнинг ранги, шакли, ҳажми ва шу каби талаффуз хусусиятларини билиш гўдакнинг нутқини, фикрлаш қобилиятини ўстиришда муҳим ўрин тутди. Олдинги саҳифаларимиздан бирида бола тарбиясида кечкиш ҳам, узилиш ҳам бўлмаслиги кераклиги хусусида гапиргандик. Шундан келиб чиққан ҳолда суҳбатимизни бугунги мавзуйимиз атрофида давом эттирамиз.

Ота-оналар учун илк ва асосий масала — гўдакни нималарга ўргатиш кераклигини аниқлаб олишдан иборат, деб ўйлаймиз. Шунинг ҳам ҳисобга олиш кераки, бугунги гўдаклар анча пишиқ-пухта бўлиб ўсишяпти. 3-4 яшар болакай ёки қизалоқ бемалол телевизор кўйиши, керакли дастурни кидириб топиши ёки микро-тўлқинли печни ишлатиши, компьютер клавиатураси ва мобил телефонлар тутғичларини чаққон қўлчалари билан шакллантиб ташлаши мумкин.

Шундай бўлса ҳам ҳар бир гўдак, мутахассислар фикрича, атроф-оламни ўзи учун ҳар сафар янгидан кашф қилади. Бунинг албатта ҳисобга олиш керак бўлади. Ҳаваскор педагоглар сифатида ота-оналар ўз вазифаларини яхши удадлашлари учун фарзандларига ўргатадиган нарсаларини бир тизимга, тартибга солиб олишлари керак бўлади.

Масалан, фарзандинингизни ва унинггини ҳам машғулотларини ҳар кун 10-15 дақиқадан ўткази-

лишига кўникириб боришингиз лозим. Баъзи машқларни дўконга бориб-келиш ёки транспортда бажариш мумкин бўлса, баъзиларини кундалик уй-рўзғор юмушларини адо этиш вақтида амалга ошириш мумкин. Фақат фарзандингиз билан ўтказадиган машғулотларингиздан вақтингизни аяманг — зеро, у кейинчалик кутганингиздан ўн қарра ортқ

гўдак нарсаларнинг шакли, ранги, ўхшаш жиҳатлари ва фарқларига эътибор қила бошлайди, нарсалар ва уларнинг вазифасини тавсифлашни ўрганади, бир қанча нарсаларни бир-бирига қўйслайди, ўлчамлар ва матери-аллар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Айтиш керакки, лўғавий захираси тез бойиб боради.

Уйдаги машғулотларнинг асосий қисмини гўдакнинг нутқини ривожлантиришга қаратиш мақсада мувофиқ. Кўпинча гўдак тинмай "чу-гурлаши"га қарамай, сўзларни тўғри ишлатиш, улардан гап тузишда қийналади. Шунинг учун унга товушлар ва сўзларни қандай тўғри талаффуз қилиши, сўз бирикмалари ва гаплар тузишини ўргатиб бориш керак. Сўз туркумлари ҳақида тасаввур беришни ҳам унутманг.



самара беради.

Мутахассислар энг аввало нарсаларни ва уларнинг хусусиятларини ўрганишдан ишни бошлашнинг маслаҳат беришади. Уларни тахминан "кийим-кечаклар", "идиш-товоклар", "мебел", "транспорт" каби номлар билан аташ мумкин. Машғулотларингиз зерикари бўлмаслиги учун улар албатта ўзин тарзида ташкил этилиши керак. Айтилик "Айиқча кийнади", "Идиш-товокларни ювамиз", "Кўгирчоқлар хонасини безаймиз", "Машиналар гаражини хижолаймиз" деган ўйин-машғулотлар уюштирилиши мумкин.

Юқоридеги ўйинлар давомида

Олимларнинг таъкидлашларида, болалар нутқида от ва феълга қараганда сифатни англатувчи сўзлар анча кам бўларкан. Бундай камчилики нарсалар тавсифини ўргатиш ("Қанақа машина?", "Қанақа кучуқча?" каби саволлар) орқали бартараф этиш мумкин. Сизнинг асосий мақсадингиз гўдакда кўп ва тўғри сўзлашишга иштиёқ уйғотишдан иборат бўлиши керак.

Дала ҳовлиларга сафарлар, шаҳар кўчалари, хиёбонлар бўйлаб сайрлардан ҳам болалар билан ўйин-машқларда фойдаланса бўлади. Истироҳат боғлари ёки кўл бўйларида барглари, ўт-гиёҳлар, тўнкалар, дарахт таналари, шохлари ранглари аниқ номлашга ҳаракат қилинг. Агар бола атрофда фақат бир хил

яшил ранглари кўраётганини айтса, турли дарахтлар барглари олиб, уларнинг фарқларига диққатни қаратинг. Уларнинг фарқи яққол кўзга ташланиб қолди. Шу йўл билан "оч яшил", "тўқ яшил", "зумрад ранг", "балчиқ-ранг" каби иборалар кириб келиши мумкин.

Фарзандингизга янги ранглари кидириб топиши буюринг ва биргаликда излашинг, шунда ранглари кўёш тушишига, бир-бирига тегиб туришига қараб барглари турлича товланишини ўзингиз ҳам сезасиз. Ялангликда уч хил гул (ўт, гўдак) ни олиб, улардан бирини таърифлаб беринг, болангиз унинг нималигини топсин. Кейин фарзандингиз тавсифи бўйича унинг нималигини сиз топинг.

Яна дарахтларнинг бир-бирига ўхшамаслиги — бири улғувор, мағрур қад кўтариб турса, бошқасининг бепарво-қувноқ кўриниши, яна бири гагмин кўзга ташланишини жиғарбандингизга тушунтиришга ҳаракат қилинг. Мутлақ бир хил бўлган барг, тошча, гулни топишга биргаликда киришиб кўринг ва бир-бирига қанчалик ўхшамасин, уларнинг бетакрор фарқлари бўлишига ишонч ҳосил қиласиз. Шундан кейин бир-бирига ўхшамайдиган барглари топиши буюринг. Болангиз хурсанд бўлиб, чинор барги билан тол баргини олиб келиши мумкин. Биргаликда уларни синчиқлаб ўрганиб, ҳар иккаласи ҳам юпқалиги, бандлари, томирчалари борлигини, уларнинг ҳар иккаласи дарахтда ўсиши, шакллари турлича бўлгани билан уй ёки тўйдан бутунлай фарқлигини кўрасиз.

Шу асосда "Нималар нималарга ўхшайди? Нера?" деган ўйин уйнаш, "Барглари нимага ўхшайди? Нера?", "Тўнка, гул, шохлар нимага ўхшайди?" деган саволлар бериб кўриш, уларга ўзингиз жавоб берсангиз ҳам болангизнинг фикрларини ҳам диққат билан тинглаб, хатоларини тузатиб, билганларини мақташни унутманг.

Бундай ўйинларнинг кўринишини бир оз ўзгартириб, янги-янги ўйинларни ўйлаб топиш мумкин. Шундай ўйинлардан яна бир қизиқ ўйин келиб чиқши, яъни топилмоқлар топиш, тез айтиш ва ҳоказоларга бориб тақалишингиз мумкин. Аммо улар кейинги суҳбатимиз мавзуси бўлади...

**Биласизми?..**

**Ҳайвонот оламидаги рекордлар**

Табиат кўйида биз билган ва билмаган юзлаб, минглаб жониворлар бор. Одамлар орасида турли жабҳаларда рекорд кўрсаткичларни ҳар доим кузатиб борамиз. Аммо атрофимиздаги жониворлар ҳаётида ҳам рекорд кўрсаткичлар учраб туради. Уларни билиш ҳам қизиқарли деб ўйлаймиз. Келинг, бир неча кўрсаткичлар бўйича уларни кузатайлик.

**ҲАММАДАН БАЛАНДГА!**

● Дельфин-афалина ҳаммадан баландга сакраган — унинг учун 6 метри баландлик лисанд эмас, дейишда мутахассислар. Пума (Америка ёввойи мушуги) ҳам чакана эмас: у 4 метрлик маррани бемалол забт этади. Кета (посслар оиласига мансуб қизил гўшти балик) ҳам қарийб шунча (3,65 м) баландликни забт этади.

Паррандалардан осмонни фалакда энг баландликка — 7500 метрга болтаютар йиртқин қуши кўтарилиб парвоз қиларкан. Жанубий Америкада истиқомат қилувчи ўлаксайр кондорлар 5 минг метрдан баландга ҳам кўтарилишади. Ҳаттичунда чўча Пигги 2005 йили Австралиянинг Дарвин шаҳарчасида 5 метр баландликдан сувга сакраган. Эгасининг айтишича, сувга шўнгиш жониворнинг сеvimли машғулоти бўлиб қолган.

**ЭНГ УЗУНЛИККА**

● Узунликка сакрашда биринчи ўринда... бурга тураркан: бир сакрашда у 3 метрдан 60 баравар катта масофани забт этади, фавқуллодда ҳолатларда эса 93

метрдан 200-300 ва ундан ҳам кўндрок марта узоқликка сакрай олади. Мутлақ узунликка сакрашда кенгурга ҳеч бир жонивор тенг келолмайди. У бир сакрашда 9 метрлик маррани бемалол эгаллайди. Кенгурларнинг узунликка сакрашдаги мутлақ рекорди 13 метрга тенг экан! 10 метрга сакрайдиган Амур йўлбарслари кенгурдан кейинги ўринда туради.


**ЭНГ ОЛИС МАСОФАГА**

● Кўпгина паррандалар олис ўлкаларга парвоз қилишга ўрганишган. Яссибурун сузувчи деб ном олган қушча Россиянинг тундрасидан қишлоқ учун Жанубий Америкага йўл олади. Унинг ўчиб ўтадиган масофаси 15 минг километрни ташкил этаркан. Кўп паррандаларидан қрачеклар улардан ҳам олисроқ масофага учушар экан: улар нарқ 20 минг километрлик масофага парвоз қилишаркан. Илонбалқлар Европа ва Шимолий Америкадаги ўз жойларидан увилидириқ ташиш учун Саргасс денгизига — 6 минг километрлик масофага йўл олишади.

**ТЕЗ ЮГУРУВЧИЛАР!**

● Қисқа масофага югуришда ҳеч шубҳасиз биринчилікни гепард эгаллайди. Унинг ҳаётида шундай дамлар ҳам бўладики, 20 сонияда 650 метрлик масофани босиб ўтади. Аммо у икки сония ичиде тезлигини соатига 72 километрга етказган ҳоллар ҳам қайд этилган. Уму-

ман, ўлжа кетидан қувишда унинг тез-



лиги соатига 105-112 километрга тенг келади. Бу жониворнинг тезлик бўйича рекорди соатига 128 километргача етган.

● Туяқушлар ҳам соатига 72 километр тезликка эришишлари мумкин. Аммо зарурат туғилганда тезликларини 80 километргача ошира олишади. Кийикларнинг эса соатига 90 километргача югура олишлари қайд этилган.

● Ўлжасига интилаётган лочин қуши тезлигини соатига 350 километргача ошириб, паррандалар орасида рекорд кўрсаткичини намоиш этган. Аммо оддий ҳолларда у соатига 100 километр тезликка учеди. Парвоз тезлигида иккинчи ўринда турадиган жарқалдирғоч (узунканот) тезлиги 180-200 километрге етади. Шимолий кўтб ўрдаги эса, ҳақиқи равишда учинчи ўринни эгаллайди: унинг тезлиги соатига 104 километрни ташкил қилади.

● Ҳашаротлар орасида даҳшат солувчи исмга эга бўлган қирғий капалаги энг тезкор парвозни намоиш этади: унинг тезлиги соатига 53,6 километрга тенг.

**Модалар олами**

**Elena Miro — 2009 йил баҳор-ёз тўплами**

30 йилдан ортиқроқ вақтдан буён аёллар учун кийимлар тикувчи Elena Miro италян маркази 2009 йил баҳор-ёзи учун ўзининг серхашам коллекциясини тақдим этади. Elena Miro тасаввурингизда яшнаб турган ёзги бог-роғлару хашамдор кийинган гўзал хонимларни кўз олдингизга келтиради.

Elena Miro бу йилги мавсумда елкалар ва орқанинг бир оз очиклиги, танани нозик газламалар билан чулғаш орқали ёқимли энгиллик хиссини туғдиради. Ипақ ва шифондан тикилган кофта ва кўйлақлар, пардай енгил энгисиз туник ва бюстьелар бир пайтинг ўзида ҳам жуда оддий, ҳам хашамдор кўринади. Газмоллардаги осмонранг бўтакўзлар, нозик, романтик пионгуллар ва ёрқин, дилларни равшанлаштирувчи камелиялар аёлларимизда ҳаётга ҳавасни оширади. Марҳамат, ўзингиз бунга ишонч ҳосил қилинг.



**Мижозларни жалб этишнинг янги усули**

**БЕПУЛ МЕХМОНХОНАЛАР**

Европа, Осиё ва Африка меҳмонхоналарида гайри одатий ҳолатга дуч келишингиз мумкин, яъни уларда муайян шароитларда сайёҳларга бепул тунаш ҳуқуқи берилади. Intercontinental Hotel Group компанияси бошлалардан бирортасида жойни бронь қилган кишига бир

хурсанд қилиши турган гап. Мазкур дастур шартларига кўра, Crowne Plaza, Holiday Inn, Express by Holiday Inn, Hotel Indigo ёки StaybridgeSuites нинг Европа, Яқин Шарқ ва Африкадаги 675 меҳмонхоналаридан бирортасида жойни бронь қилган кишига бир

кеча бепул тунаш насиб этади. Бронь 2009 йилнинг 30 апрелигача камида икки кунга буюртма қилиниши керак.

Бундан ташқари яна бир кичик шарт ҳам мавжуд бўлиб, бу имкониятга IHG — Priority Club Rewards клуби аъзолари эга бўлишади. Лекин бу шартни бажариш қийин эмас — бунинг учун мижозларни рағбатлантириш тадбирида қатнашаётган меҳмонхонада икки марта тўхташингизнинг ўзи kifоя.

**Бир чимдим**

**қулги**

**РАД ҚИЛИШДИ...**

Ишга жойлашиш учун сўровномани тўлдирган кишига қизча, бизга тўғри келасиз, энди сўровномани бошлиқларга кўрсатсак бўлди, эртага кўнғироқ қилинг, деди.

Эртасига телефон жиринглади: — Салом, мен кечаги одамман, ишларим қалай бўляпти? — Бир сония... Гўшаки столга қўяди, идорадаги гаплар аниқ эшитилиб турибди: — Назокат кечаги кишининг анкетаси қани? — Билмасам, кеча керакмас қоғозларни йиғиштиргандим, ташлаб юборган бўлсам керак... Қизча гўшаки олиб жавоб беради: — Кеңирасиз, бошлиқлар узоқ маслаҳатла-



шиб, рад жавобини беришди.

**КИМ АҚЛДАН ОЗГАН?**

Ўқувчисининг дафтарига кўз ташлаган математика муаллими жумбоқли рақамлардан саросимага тушиб:

— Иккаламиздан биримиз ақлдан озганмиз, Болтаев! — деди. — Эртасига Болтаев столга бир конвертни қўйди. — Унда нима бор? — сўрайди муаллим. — Мен ақлдан озмаганим ҳақидаги маълумотнома.

**НЕЧА МАРТА АЙТИШ КЕРАК?**

— Кеча хизмат сафаридан мuddатидан олдин қайтандим, тўғри кийим шкафига қараб юрдим: худди ўйлаганимдек хотинимнинг жазмани ўша ерда яшириниб олган экан! — Хўш-хўш, кейин нима бўлди? — Нима бўларди, "Э, аҳмоқ, неча марта айтишим керак — хотиним билан ажрашганман, у аллақачонлароқ бу ердан қўчиб кетган!" дедим.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БУСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Эр киши бўлмай талабда интизор, Ҳар замон йўл узра этгай жон нисор.

Баски қон ютсанг-да сен сабр айла, хай, Бир кун дунё ишингни ўнглагай.

Истагил ё истама, сабр айлагин.

Ул — илмдир, ростгўйлик мазмуни, Чинда ҳам бўлса, бориб, ахтар уни.

Илму фан йўлларда машъалдир, чирок.

Кимда йўқ эрса талаб, мурдор ўшал, Одам эрмас, суврати девор ўшал.

Мард бўлиб қоқсанг, эшик очилгуси, Истасанг, йўл сенга равшан бўлгуси.

Бўлма гофил, оч кўзингни, йўлга тик, Бор, талаб қил, ёпиқ эрмасдир эшик...

Келса ишқ, яхши, ёмони қолмагай...

Чун балиқ дарёдин айрилган замон Талпинур дарёга тушсам деб ҳамон.

Ақл ишқ савдосида устоз эмас, Ишқ ақлга улфату ҳамроз эмас.

Ишқ оловдир, ақлу хуш монанди дуд, Ишқ келса, ақлу хуш қочмасми зуд?

Тантию афтода лозим ишқ аро, Мардуми озода лозим ишқ аро.

Тушмагунча бошига савдою сир, Кимса билмас ишқ надир, савдо надир.

Бўлмагай ошиқда ўзга фикр-ўй, Жон тикарсен унга, ўзга гапни қўй.

Ишқу мискинлик туташ ҳамсоядир, Бўйла сарватдирки, бесармоядир.

Ишқ топар мискинлик ичра тўзу тот, Ишқ ўзи мискинга лойиқ бир сифот.

Ҳар киши боргай қамол борича, Қурби етгунча ва ҳоли борича.

Етса асрор, дилда завқ пайдо бўлур, Ҳар замон бир янги шавқ пайдо бўлур.

Маърифатда бор ҳамиша салтанат, Жаҳд этиб, касб айлагил олий сифат.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Анжуманда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали вакиллари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент

ва маърифат» маркази фаоллари иштирок этидилар. Тадбирда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Махамдалиева сўзга чиқиб, ёшларни турли хил юқумли касалликлардан асраш лозим-

ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида Бутунжаҳон саломатлик кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Автомобиль ва йўллар институти, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳамда Тошкент шаҳар ДПМ ходимлари, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази фаоллари иштирок этидилар. Тадбирда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Махамдалиева сўзга чиқиб, ёшларни турли хил юқумли касалликлардан асраш лозим-

лиги, жумладан гиёвандлик, ОИТС сингари касалликларнинг ёмон оқибатлари ҳақида гапириб, билиб-билмай бу йўлга кириб қолаётган ёшларга тўғри йўл кўрсатиш зарурлигини қайд этиб ўтди. Шундан сўнг Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори Эльвира Марраева, мазкур институт директори ўринбосари Нигора Азимовалар сўзга чиқиб мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёш авлод саломатлигига алоҳида эъти-

бор қаратилганлигини, зеро соғлом жамиятни соғлом авлод барпо этишни таъкидлаб, «Ҳаётларни сақлаймиз — факулдадаги вазиятда касалхоналарнинг хавфсизлигини таъминлаймиз» мавзусида сўз юритдилар. Тадбир якунида шахримиздаги барча даволаш профилактика муассасаларининг оқарув ишларида фаол қатнашган санитария тарғиботчиларига ташкилотчиларнинг Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари топширилди. Баҳс-мунозаралар, қизиқарли савол-жавоблар асосида ўтган анжуманда Глиэр номидаги мусиқа лицейи ҳамда Тошкент маданият коллежи ўқувчи ва талабалари томонидан тайёрланган концерт дастури ва ёшлар ҳаётидан саҳна кўринишлари йиғилганларга манзур бўлди.

Гулором ИКРОМОВА СУРАТДА: тадбирдан олган. Алексей Попов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Узархив» агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис қошидаги Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси вакиллари, марказий давлат архивлари, ҳудудий архив иши бошқармалари раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат Маданият институти талабалари иштирок этиди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган ҳам 10 йил тўлганлиги таъкидланиб, ўтган давр мобайнида республика архив муассасалари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумотларга қараганда, республикада 100 та давлат архиви, учта марказий давлат архивлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси бошлиғи

Д.Кучарованинг таъкидлашича, бугунги кунда давлат архивларида янги хизмат турлари жорий этилмоқда. Маълумотларга кўра, 1990 йилда 921 та республика бўйича мавзули сўров ижро этилган бўлса, бу кўрсат-

меъёрий базани янада такомиллаштириш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида архив муассасалари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов голибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унга кўра, «Энг намунали архив муассасаси» йўналиши бўйича биринчи ўринга Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар давлат архив филиали, иккинчи ўринга Сурхондарё вилояти, Шеробод туман давлат архив филиали, учинчи ўринга эса Тошкент шаҳар давлат архив муноси деб топилди. «Энг ташаббускор раҳбар» йўналишида эса биринчи ўрин Самарқанд вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи А.Маматовга, иккинчи ўрин Ўзбекистон Республикаси кино, сурат, овозли ҳужжатлар марказий давлат архив директори Д.Зокировага насиб этди. Голибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совгалари топширилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

СОҲАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкентдаги Миллий матбуот марказида «Архив соҳасидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

кич 2008 йилда тўрт мингтани ташкил этади. Шунингдек, 1990 йилда тўққиз мингдан ортиқ ижтимоий-ҳуқуқий сўров ижро этилган бўлса, 2008 йилга келиб эса 50 мингдан ортиқ ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар ижро этилган. Бу эса архивга мурожаат этаётган фуқаролар, ташкилотларни архивга бўлган қизиқшининг ортиб бораётганидан далолат беради.

Тадбирда сўзга чиққанлар архив муассасаларини маънавий кадрлар билан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини сақлаш ҳолати ва муаммолари, архив ишига доир ҳуқуқий-

дарё вилояти, Шеробод туман давлат архив филиали, учинчи ўринга эса Тошкент шаҳар давлат архив муноси деб топилди. «Энг ташаббускор раҳбар» йўналишида эса биринчи ўрин Самарқанд вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи А.Маматовга, иккинчи ўрин Ўзбекистон Республикаси кино, сурат, овозли ҳужжатлар марказий давлат архив директори Д.Зокировага насиб этди. Голибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совгалари топширилди.



Тадбирлар

Республика байналмилал маданият марказида арман халқининг «Оналик ва гўзаллик кунин» миллий байрамга бағишланган байрам концерти бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Таъкидлаш жоизки, ушбу байрам ўзида аёл, она, гўзаллик ва баҳорга ҳурмат рамзини ифода этади. Шу кун энг ёш кўшиқчи Асис Минасян «Менинг Арманистоним», «Санта Лючия» каби ширали кўшиқлари, Сергей Галстан эса кларнетдаги аҳойиб куйлари билан йиғилганларни ҳушунд эттишти. Ёш ижрочилар республика таълимнинг совриндорлари Мариетта Арупонованинг миллий кўшиқлари ҳам тадбирга ўзгача файз киритди.

Кўвонарли томони шундаки, грузин, грек, қрим-татар миллий-маданият марказлари жамоалари ҳам ўз чиқишлари орқали арман кардошларини самимий куллагиди. Байрам тадбири давомида Кристина Тевосян ўз куйлаш маҳорати билан муҳлисларини ҳам бамисли «сеҳрлаган» бўлса, «Урарту» ансамбли рақс номерларига жиддий тайёрларлик қурганини амалда намойиш этди. «Элегант» гуруҳи раҳбари Владимир Бабаянчининг чиқишлари ҳам тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: тадбирдан олган. Алексей Попов олган сурат

Шахмат

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ

АЙНИ КУНЛАРДА РОССИЯНИНГ НАЛЬЧИК ШАҲРИДА ХАЛҚАРО ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИ — ФИДЕ ТАСНИФИГА КИРУВЧИ ГРАН-ПРИ ТУРНИРИНИНГ ТўRTИНЧИ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

29 апрелга қадар давом этадиган ушбу нуфузли турнир жаҳон чемпионатиغا саралаш вазифасини ўтайди. Чунки олти босқичли Гран-при турнирида энг яхши кўрсаткичга эришган шахматчи келаси йили уюштирилган жаҳон чемпионатида даъвогарлар турнирида қатнашади. Даъвогарлар жангида голиб чиққан «ақл гимнастикаси» устаси эса 2011 йили амалдаги чемпионга қарши шахмат тожи учун кураш олиб боради.

Мукофот жамғармаси 162 минг еврони ташкил этаётган Нальчикдаги турнирда Левон Аронин, Петер Лeko, Александр Гришчук, Василлий Иванчук, Сергей Карякин, Евгений Алексеев ҳамда собиқ жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов сингари 14 нафар шахматчи голиблик учун кураш олиб бормоқда. Биз ҳамюртимизга ушбу турнирда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз. (Ўз муҳбиримиз)

Шахмат ҳангомалари

ЧАКУВНИНГ МИСИ ЧИКДИ

Жаҳон чемпиони унвони учун 1948 йили ўтказилган матч-турнир олдин Голландия, кейин собиқ иттифоқда (ҳал қилувчи қисми) ўтказилганди.

Турнир ўртасида мусобақанинг бўлажақ голиби Михаил Ботвинник уйига бориб келган, ҳал қилувчи жангларга тайёрланар, бу орада Похриков деган марказқўмининг ташвиқот ва тарғибот бошқармаси ходими зимдан ғаламислик қилаётган эди. У грoссмейстер устидан оқори идораларга қачимчилик қилиб маълумот юборарди: «Гагадан Москвага қайтаётми Ботвинник ўзи билан ўн бешта жомадон олади... Бошқарма узоқ муддат кузатиб юриди... Биз Гагадаги ўртоқлар билан суҳбатлашганимизда...» ва ҳ.о.

Албатта, Ботвинник Голландияда оиласи — хотини ва қизи билан бўлгани, Москвадан ўзи билан ўнта

ХАВФЛИ УЧИШ

Жаҳон чемпиони унвонини қисқа бир муддат Алёхиндан тортиб олишга муссар бўлган Макс Эйве ёшлигида қизқиш доираси кенг спортчи эди. У хаваскорлар рингида бокс тушган, сузиш мусобақаларида қатнашган ва ҳатто спорт самолётини бошқариш ҳуқуқини берадиган дипломини ҳам қўлга киритган.

Кунларнинг бирида Голландиядаги чемпионатлардан бирида навбатдаги турга кечикаётми машинаси тезлигини анча ошириб юборди. Йўл ҳаракати қондасини бузгани учун полициячи уни тўхтатди.

— Чамаси, бугун мен анча тез юрпман шекилли,— дейди у хижолатомуз жилмайиб.

— Аниқроқ айтганда, бугун сиз анча паст учяспиз,— дейди бўлажақ чемпиони таниган тартиб посбони.

Шодмон ОТАБЕК тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 26 май кунин 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳужукалик судининг 05.01.2009 йилдаги, №100814/14878-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уй манзилидаги «Жиҳоз» ОАЖга тегишли, майдонин 959 кв.м. бўлган, қурилган йили номаълум, «Омборхона биноси» (Блок «К»нинг бир қисми) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси—500 000 000 сўм.

Кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдодда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИБК «Илпак Йўли банк» Савбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: МФО: 01036, ИНН: 200933850, х/р: 20210000300571452114. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52

Лицензия: DB 001 №000004. Савдоларга марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси 2009-2010 ўқув йили учун вазирлик олий таълим муассасаларига ўқинишга ТАНАЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари Академияси, Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти ва Ёнги хавфсизлиги Олий техник мактабларига Тошкент шаҳрида яшовчи, ўрта маълумотли ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва мактаб интернатларнинг 11-синф ўқувчиларини, касб-хунар коллежлари битирувчиларини, шунингдек, ҳарбий хизматни ўтаб келган ўрта ва ўрта махсус маълумотли фуқаро ёшларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари Академияси, Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти ва Ёнги хавфсизлиги Олий техник мактабларига Тошкент шаҳрида яшовчи, ўрта маълумотли ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва мактаб интернатларнинг 11-синф ўқувчиларини, касб-хунар коллежлари битирувчиларини, шунингдек, ҳарбий хизматни ўтаб келган ўрта ва ўрта махсус маълумотли фуқаро ёшларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Ўқинишга қабул қилинувчиларнинг ёши: 1. ИИБ Академияси ва Ёнги хавфсизлиги Олий техник мактабига: — фуқаро ёшлар ҳамда ички ишлар идораларининг сафдорлар ва сержантлар таркиби олий маълумотга эга бўлмаган ходимлари учун —17 ёшдан 25 ёшгача.

Ўқинишга қабул қилинувчиларнинг ёши: 170 смдан, қизларнинг бўйи эса 160 смдан паст бўлмаслиги шарт.

2. Ички ишлар вазирлигининг Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртига: — фуқаро ёшлар учун 17 ёшдан 21 ёшгача

— ички ишлар идораларининг сафдорлар ва сержантлар таркиби, ҳарбий хизматга мажбур шахслар учун 18 ёшдан 25 ёшгача.

Номзодларнинг ёши ўқинишга қабул йилининг 31 декабрига қадар ҳисобланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-4, ИИБ Спорт мажмуи.

Мўжал: «Дедеман Силк Род»-Тошкент» меҳмонхона мажмуаси.

Мурожаат учун телефонлар: 233-64-41, ички тел: 29-42, 27-23.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзили: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г- 306

Телефонлар: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3824 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида теризди ва сақланади. «Шарқ» нашрий-матбоси акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.